

хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199 қарори. Режим доступа: <https://lex.uz/docs/3371644>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Режим доступа: <https://lex.uz/docs/3459667>

3. Солиев А. Маркетинг. Тошкент. “Иқтисод-молия”. 2010 йил 7 б.

4. Рахматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация, ва иқтисодий ўсиш. Рисола.Т.: “ZaminNashr”, 2018.

Н.Ф. Махмудова, илмий раҳбар О.С.Казаков
Наманган муҳандислик-технология институти,
Наманган, Ўзбекистон
olimkzkv@gmail.com

МАҲАЛЛИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕС САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

***Аннотация.** Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти мамлакат иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутади. Маҳаллий ресурслардан фойдаланиш кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида самарани таъминлайди. Улар асосида рақобатбардошли маҳсулотлар тайёрлаш имконияти яратилади. Мақолада маҳаллий ресурслардан фойдаланиб кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти самарасини ошириш йўналишлари аниқланган.*

***Калит сўзлар.** Кичик бизнес, тадбиркорлик, маҳаллий ресурслар, рақобатбардошлилик, самарадорлик.*

Н.Ф.Махмудова, научный руководитель О.С.Казаков
Наманганский инженерно-технологический институт,
Наманган, Узбекистан
olimkzkv@gmail.com

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ПОТЕНЦИАЛА МАЛОГО БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИ- МАТЕЛЬСТВА НА ОСНОВЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕСТНЫХ РЕСУРСОВ

***Аннотация.** В экономическом потенциале государство важное значение имеет малый бизнес и предпринимательство. Использование местных ресурсов в деятельности малого бизнеса и предпринимательство обеспечивает эффективность. В результате обеспечивается возможность производства*

конкурентоспособных товаров. В статье определены основные направления повышения эффективности малого бизнеса и предпринимательство с использованием местных ресурсов.

Ключевые слова: Малый бизнес, предпринимательство, местные ресурсы, конкурентоспособность, эффективность.

N.G.Maxmudova, supervisor O.S.Kazakov
Namangan engineering-technological institute
Namangan, Uzbekistan
olimkzkv@gmail.com

QUESTIONS OF INCREASE OF POTENTIAL OF SMALL-SCALE BUSINESS AND BUSINESS ON THE BASIS OF USE OF LOCAL RESOURCES

The summary. In economic potential the state the great value has small-scale business and business. Uses of local resources in activity of small-scale business and business provides efficiency. Possibility of manufacture of the competitive goods is as a result provided. In article the basic directions of increase of efficiency of small-scale business and business with use of local resources are defined.

Keywords: Small-scale business, business, local resources, competitiveness, efficiency.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида рўй бераётган пандемия шароити иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларида иқтисодни бошқаришнинг самарали воситаларини қўллашни талаб қилмоқда. Бошқача изоҳлаганда, бу инқироз кўланкаси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни тобора қамраб олмоқда. Натижада, мазкур давлатларда ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашуви кузатилмоқда. Мамлакатлар иқтисодиёти жаҳон хўжалик ва иқтисодий-молиявий тизимига тобора чуқур интеграциялашиб бораётгани натижасида инқироз оқибатлари, табиийки, барча мамлакатларга ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, юзага келган муаммо ва қийинчиликларга қарамай, ўтган 2020 йилда мамлакат иқтисодиёти нафақат барқарор фаолият кўрсатганини, балки изчил ўсиши ҳам таъминланганини алоҳида қайд этилди. 2021 йил ва яқин келажакка тузилган дастурларга мувофиқ кичик бизнес ва тадбиркорликни мамлакатимизда янада ривожлантиришга ҳаракат амалга оширилади, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини янада ошириш, белгилади. Унда таъкидланишича, ушбу соҳа мамлакат иқтисодиётида асосий улушга эга

бўлади, олиб борилаётган бозор ислохотларида энг етакчи ўринни эгалламоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожланиши учун чора тадбирлар белгиланди, хусусий корхоналарни тузиш ва уларнинг фаолиятини, тадбиркорликни ҳамда ишлаб чиқаришда хусусий мулкдорликнинг ўсишини рағбатлантирувчи имтиёз ва преференциялар тизимини янада такомиллаштириш таклиф этилди.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти жуда жадал суръатларда ривожланмоқда. Уларнинг ялпи миллий маҳсулотида тадбиркорларнинг улуши 70-80 фоизга чиқиб қолди. Мамлакатлар аҳолисининг 70 фоизидан ортиқроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ҳам тадбиркорликни янада ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар ва уларнинг раҳбарлари ўз фаолиятларини ривожлантириб бориш билан биргаликда оладиган фойда миқдорини оширишга ҳаракат қиладилар. Тадбиркорлар ўзлари катта миқдорда фойда олишни кўзлаш билан бирга ўзи фаолият кўрсатаётган мамлакат, вилоят, шаҳар ёки туман аҳолиси учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаради ёки зарур ҳисобланган хизмат турларини кўрсатади, янги бозорларни юзага келишига сабаб бўлади, аҳолининг иш ахтариб юрган қисми учун янги иш жойларини яратади.

Охир-оқибатда мамлакатдаги аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга таъсир кўрсатади. Аҳолининг ижтимоий ёрдамга мухтож қисмига ўз ёрдамини кўрсатади. Тадбиркорлар томонидан ижтимоий ёрдамга мухтож аҳоли қатлами учун катта миқдорда ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилмоқда, беморлар учун бепул дори дармонлар тарқатилмоқда, тадбиркорликнинг ривожланишидан уларнинг ўзлари ҳам, уларнинг корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётганлар ҳам, улар жойлашган ҳудуд аҳолиси ҳам манфаат кўрмоқдалар. Шу сабабли, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосий устивор йўналиш сифатида қабул қилинди. Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожланиши учун, авваламбор, тадбиркор ва тадбиркорлик тўғрисидаги назарияларни иқтисодий жихатдан ўрганиб чиқиш зарурдир.

Мамлакатимиз ҳудудида қадим-қадимдан бери одамлар тадбиркорлик билан шуғулланиб келганлар. Хунармандчилик, савдо ишларини юритиш каби соҳалар олдинлари ҳам мавжуд бўлган. Аммо, уларнинг назарий асослари етарли даражада яратилмаган. Тадбиркорлик бўйича назарий қарашлар, уларнинг ривожланиши учун қонун-қоидалар, йўналишлар ва тамойиллар етарли даражада ўрганилмаган, иқтисодий адабиётларда керакли даражада ёритилмаган. Мустақилликка эришилганидан кейин тадбиркорлик фаолиятига ва унинг назарий асосларига эътибор қаратила бошлади. Эндиликда тадбиркорликни иқтисодий тараққиётга катта туртки

бераётган омил сифатида кўрилмоқда, шу билан биргаликда мамлакат аҳолисини иш билан таъминлаш, бозорни зарур истеъмол буюмлари билан тўлдириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш сингари ишларда муҳим ўрин эгаллашини таъкидламоқда.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кўпчилик олимлар таъриф беришга ҳаракат қилганлар. Улар қаторида И.Шумпетерни ҳам кўрсатиш мумкин. И.Шумпетер тадбиркорликка шундай тариф беради:

«Тадбиркорлик фаолияти мансаб ҳам эмас, касб ҳам эмас, у таваккал қилиш асосида бозорга инновацияларнинг олиб киришнинг ўзига хос ҳисобланган қобилиятдир. Тадбиркор - капиталист эмас, тадбиркорлик фаолияти илгор, яратувчан фаолият бўлиб, иқтисодиётнинг рақобат асосида қайта қуришнинг муҳим манбаи ҳисобланади» [1].

И.Шумпетердан бир қанча вақтдан сўнгра Р. Хизрич тадбиркорликка шундай таъриф берди:

«Тадбиркорлик - маълум қийматга эга бўлган ниманидир яратиш жараёнидир. Тадбиркор эса - ана шу нарсани тайёрлаш, яратиш йўлида ўзининг вақтини ҳамда билим ва маҳоратини сарф қиладиган одамдир у бу ишда барча молиявий, рухий ва жисмоний таваккални ўз устига олади ва бунинг натижаси сифатида маълум маблағга эга бўлади» [2].

Кейинги вақтларда, ҳусусан мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнгра, олимларимиз ва тадқиқотчиларимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини ўрганиш бошланди ва улар томонидан тадбиркорлик фаолиятига таърифлар беришга ҳаракат бошланди. Мамлакатимиз олимларидан бири, яъни З.Я. Худойбердиев тадбиркорликка таъриф беришга ҳаракат қилди:

«Тадбиркорлик кўп ўлчовли ижтимоий-иқтисодий ҳолат бўлиб, унинг асосида иқтисодий мустақил фаолият ётади. У фойда олиш мақсадида амалга оширилади ва барча моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг бирлашувидан юзага келади» [3].

Мамлакатимизда яратилган энциклопедик луғатда ҳам тадбиркорлик фаолиятига тушунча берилган: «Тадбиркорлик - бу ўз номидан, ўз мулкий жавобгарлиги доирасида ёки юридик шахс номидан ва юридик масъулият, жавобгарлик асосида фойда ёки шахсий даромад олишни мақсад қилиб амалга ошириладиган мустақил фаолият туридир. Тадбиркор қонун билган манъ қилинмаган барча турдаги хўжалик фаолиятини амалга ошириши мумкин. Жумладан: тижорат, воситачилик, савдо, сотиб олиб-сотиш, маҳсулотни етказиб бериш, қишлоқ хўжалик фаолиятини олиб бориш, компью-

тер хизмати кўрсатиш, алоқа хизмати кўрсатиш ва шу каби бошқа фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкин» [4].

Тадбиркорлик фаолиятига берилган таърифлар ва тушунчаларни умумлаштирилган ҳолда унга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Тадбиркорлик - бу ички ва ташқи хавф хатарлар бўлишига қарамасдан бозор эҳтиёжларини маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш ҳамда қондиришга олиб борувчи алоҳида фаолият туридир. Бундай фаолият натижасида фойда олинади. Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти деганда фуқароларнинг ўз таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари доирасида фойда олишга йўналтирилган мустақил фаолиятлари тушунилади. Улар ўз мулкларини ва капиталларини маълум даражада хатарли бўлган ҳамда таваккалга асосланган ҳолда фаолиятга сарфлайдилар ва фойда олишни кўзлайдилар. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши иқтисодий муваффақиятга эришишда юқори даражада таъсир кучига эга бўлиб, ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларини таъминлайди. Тадбиркорлик фаолияти мамлакат иқтисодиётининг инновацион характерининг асоси ҳисобланади. Тадбиркорлик орқали янгиликлар яратилиши ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши тезлашади. Уларнинг сони ва фаолияти тури кўпайиб борган сари иқтисодиёт ривожини сезиларли даражада олға силжийди. Мамлакатдаги тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши орқали янги, истиқболли ишлаб чиқаришлар ривожланиб борали.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Шумпетер. И.* Теория экономического развития: исследования предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры. Москва, Прогресс, 1982.

2. *Хизрич Р., Питерс. М.* Предпринимательство, или как завести собственное дело и добиться успеха. Москва, Прогресс, 1990.

3. *Худойбердиев З.Я.* Развитие систем подготовки кадров для сфер предпринимательства (на примере малого и среднего бизнеса Республики Узбекистан) Тошкент, 2016.

4. Тадбиркорликнинг энциклопедик луғати. (тузувчи. С.М.Синельников ва бошқалар. СПб. «Алта-фонд», «Аякс», 2014.